



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 6 сентябрь, № 184 (7142)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН — МИСР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Халил ас-Сиси 4-5 сентябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.



Ташрифнинг асосий тадбирлари 5 сентябрь кунни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Абдулфаттоҳ ас-Сиси тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни қутлаб, ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларда тарихий воқеа эканини таъкидлади.

— Биз Мисрни қадимий цивилизация бешиги, бой тарих ва юксак салоҳиятга эга мамлакат деб биламиз. Халқларимизнинг маданий яқинлиги жуда қадим замонларга бориб тақалади. Ота-боболаримиз биргаликда илм-фанни ривожлантирган, маданий ҳамкорлик, савдо-сотиқ қилган. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Бугун Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигида янги босқич, амалий ишлар даври бошланмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Аввало, Ўзбекистонга таклифингиз учун ташаккур изҳор қилмоқчиман, — деди Абдулфаттоҳ ас-Сиси. — Мамлакатингизга келган илк диққалардан оқ эъзими юртимдагидек ҳис қилдим. Миср халқи мамлакатимиз билан минг йиллик муштарак тарихга эга Ўзбекистон ва унинг халқини гоят хурмат қилади. Уйлайманки, бу ташриф нафақат ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилади, балки барча соҳаларда улкан юксалишларга туртки беради. Биз муносабатларимизни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узок бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради. Миср Президентининг мамлакатимизга илк ташрифи ана шу азалий алоқаларни бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги асосда раванқ топтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тўғрисидаги алоқаларда ҳамкорликни янада фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 2016 йил октябр ойида Тошкентда ўтган 43-сессиясида Миср делегацияси иштирок этди. Ушбу мамлакат етакчи экспертлари юртимиздаги сайловларда кузатувчи сифатида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Минтақавий ва глобал масалаларга ёндашувлар ҳам ўхшаш ёки яқин. Ўзбекистон ва Миср Афғонистонда фақат ушбу мамлакат халқи томонидан тинчлик ўрнатиш жараёنлари амалга оширилиши тарафдоридир.

Афғонистонда мустақкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлидаги сайёҳаракатларни бирлаштириш, бу масалалар бўйича ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб боришга келишиб олинди.

Президентлар хавфсизлик

муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, ғиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Миср Президентларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-сотиқ ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шу мақсадда мамлакатларимиз имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга қаратилган сайёҳаракатларни давом эттириш зарур. Музокараларда таъкидланганидек, савдо ҳажмини яқин йилларда бир неча баробар ошириш учун ҳар икки томонда фойдаланилмаётган улкан имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Мисрға унинг бозорида талаб юқори бўлган электротехника, машинасозлик, металлургия, кимё ва нефть-кимё, энгил саноат, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотларни экспорт қилиши мумкин. Мисрда эса мамлакатимизга дори-дармон, тиббиёт жиҳозлари, гиламлар, мебеллар, нефть-кимё маҳсулотлари, мрамар, чин-

ни, тери ва пластик маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари юқори.

Икки давлат масъул идораларига савдо айланмасига қулай шарт-шароит яратиш, товар айирбошлаш тузилмасини тўлиқ диверсификация қилиш ва унинг ҳажмини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий изланишлар натижалари ва илгор тажрибани алмашишга келишиб олинди. Ишбилармон доиралар ва килларининг Ўзбекистон ва Мисрда ўтказиладиган кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиши рағбатлантирилади.

Миср Президентининг ташрифи доирасида ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу форумда умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд шартномалар имзоланди. Бу ҳам иқтисодий соҳада улкан имконият ва ресурслар борлигидан далолатдир.

Мамлакатларимиз қадимда Буюк Ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Бугунги кунда ташқи бозорларга тез ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ҳамда транзит йўлакларини ривожлантириш давлатларимиз ўртасида савдо ҳажмини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда халқаро сув йўлаги сифатида Сувайш каналининг аҳамияти бекиёс. Сувайш каналдаги иқтисодий зона Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш-

ни энгиллаштиришда қулай имконият яратади.

Ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда ҳудудлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Музокарада Наманган ва Искандария вилоятлари ўртасида бевоСИ-та ҳамкорлик ўрнатиш, яқин кунларда ушбу вилоят делегациясининг юртимизга ташрифини ташкил қилишга келишиб олинди.

Миср — туризм соҳасида катта салоҳият ва тажрибага эга мамлакат. Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу тармоқ жадал ривожланмоқда. Музокарада бу соҳадаги алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистондаги қадимий шаҳарлар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш учун мисрлик сайёҳларни кўпайтириш мумкинлиги қайд этилди. Тошкент, Қоҳира ва Хургада ўртасида авиақатновларни йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Мовароуннахр ва Миср диёрида яшаб ижод қилган улуг бобокалонларимизнинг ноёб илмий-маърифий мероси бутун мусулмон оламининг бебаҳо бойлигидир. Бу ўринда буюк аждодимиз Аҳмад Фарғонийнинг Мисрда яшаб, ўлмас қашфиётлар қилгани, жумладан, Нил дарёсиде сувини ўлчайдиган иншоот — “Миқёси Нил”ни яратгани бугунги авлодларга юксак ифтихор бағишлайди. Қоҳира шаҳрида, буюк Нил бўйида Аҳмад Фарғоний бобомизга ўрнатилган муҳташам ҳайкал бугун халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликнинг ёрқин рамзига айланган.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилди. Мисрнинг Ал-Азҳар университети ва бошқа илмий-тадқиқот муассасалари билан Ўзбекистон халқаро Ислом академияси, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ислом цивилизацияси маркази ўртасида фаол ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Музокарада халқларимизнинг маънавий яқинлигини инобатга олиб, қўшма маданий тадбирларни кўпайтириш, айна пайтада таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар мулоқотлар очик, дўстона ва амалий руҳда ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини таъкидладилар. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Мисрнинг узок муқаддлатли манфаатларига, мамлакатларимизни ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайд этдилар.

— Миср Президентининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тарихий аҳамиятга эга бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашдик. Ишончим комилки, ушбу келишувлар Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янги, юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

— Ўзаро самимий мулоқот ва Миср делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президентини ва халқига миннатдорлик изҳор қиламан, — деди Абдулфаттоҳ ас-Сиси. — Бугун имзоланган ҳужжатлар яқин келажақда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш ва жадаллаштиришга хизмат қилади. Ушбу келишувлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бир-бирига муштарак интилишлари самарасидир.

Абдулфаттоҳ ас-Сиси Шавкат Мирзиёевни расмий ташриф билан Мисрға таклиф қилди.

Шу билан Миср Араб Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи нихоясига етди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**  
**ЎЗА мухбири.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
Ф А Р М О Н И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ  
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнида таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари қўллашга кўмаклашади.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини танқидий таҳлил қилиш халқ таълими тизими бошқарувини ташкил этиш, давлат умумий ўрта таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб юритилади) фаолиятини амалий жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник ҳолатини яхшилаш бўйича тадбирларни молиялаштиришда бир қатор муаммолар ва камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

**биринчидан**, жойларда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, умумтаълим муассасалари раҳбарларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини ҳал этиш, идоравий мансуб ташкилотларнинг мулкидан самарали фойдаланишда халқ таълими бошқарув органлари ролининг етарли даражада эмаслиги;

**иккинчидан**, умумтаълим муассасалари раҳбарлари зиммасига уларга хос бўлмаган вазифалар ва функцияларни юклаш, муассаса директори ва унинг ўринбосарлари ўртасида ваколатларнинг аниқ тақсимланмаганлиги, улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ва параметрлари мавжуд эмаслиги;

**учинчидан**, умумий ўрта таълимнинг долзарб масалалари ва уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ этиш бўйича чуқур илмий тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги, ўқув-тарбия жараёнини услубий таъминлаш масалаларида халқ таълими бўлимлари ва умумтаълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик даражасининг пастлиги;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
Қ А Р О Р И

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда кўмаклашиш, мулкдорларнинг ўзларига тегишли бўш турган ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш борасида кўрилатган чоралар амалда ўз самарадорлигини кўрсатди.

Илгари хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлашда ёндашув ва иш услубининг тубдан ўзгартрилиши бир ярим мингдан ортиқ фаолият кўрсатмаётган ва камқувватли корхоналар фаолиятини тиклаш ва ўн икки мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, ҳудудларда ханузгача давлатга ва давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарга тегишли бўлган, шунингдек, ажратилган ер участкаларида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган ҳамда собиқ жамоа ва ширкат хўжаликларини тугатиш даврида сотиб олинган катта миқдордаги фаолият кўрсатмаётган ва самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар сақланиб қолмоқда.

Маъзур ҳолат янги иш ўринлари яратиш имкониятининг йўқотилишига, ишлаб чиқариш қувватларининг маънан эскириши ва жисмонан фойдаланишга олиб келаётган бўлиб, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўришни талаб этмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган ва фойдаланилмасдан турган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг маъзур объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини қўлайитириш, шунингдек, корхоналарни фаол хўжалик фаолиятига жалб этиш ҳамда шу асосда янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

(Давоми 2, 3-бетларда).



### ҲАМКОРЛИК

## Ўзбекистон — Миср бизнес форуми

Пойтахтимизда Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн Халил ас-Сисининг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон — Миср бизнес форуми ва кооперация биржаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири Жамшид Ходжаев ҳамда Миср Араб Республикаси инвестиция ва халқаро ҳамкорлик вазири Саҳар Наср ҳамда бошқалар таъкидлаганидек, бугун икки давлат ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг янги босқичига қадам қўйилмоқда. Бинобарин, маъзур тадбирлар ҳам савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга қўл келади.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилда йўлга қўйилган бўлиб, савдо-иқтисодий муносабатлар бир қатор келишувлар доирасида тартибга солинади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир А. Арипов раҳбарлигида 2018 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, тегишли ташкилотлар вакиллари қатнашди.

## ЯНГИ ТИЗИМНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Бу йил етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, йиғим-теримда иштирок этадиган теримчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлаш ва пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Илгари пахта мавсумида теримчиларга муносиб ҳақ тўланмаган. Еб-ичиш, яшаш шaroитлари тўлиқ яратиб берилмаган. Жорий йил бу каби камчиликлар, католикларга йўл қўйилмайди. Пахта



## Кўҳна Кешдан таралар қадим наволар

Бугун мамлакатимизнинг хушманзара ва мафтункор манзилларидан бири — Шаҳрисабзда Халқаро мақом санъати анжумани тантанали тарзда очилди. 6 — 10 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган ушбу нуфузли санъат байрами мумтоз ҳамда мақом санъатимизни, жонаҳон Ўзбекистонимиз номини, бетақорор урф-одатларимизни дунё узра тараннум қилишга қаратилгани билан алоҳида диққат-эътиборга моликдир.



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**тўртинчидан**, раҳбарлар, ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари бошқа ходимларининг касбий фаолиятига асоссиз равишда аралашувдан ҳимоя қилиш механизмларининг самарасизлиги, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги;

**бешинчидан**, таълим сифатини таъминлаш, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини ошириш масалаларида умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик ва шаффофлик даражасининг етарли даражада эмаслиги, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали жамоатчилик назоратининг мавжуд эмаслиги;

**олтинчидан**, халқ таълими тизими муассасаларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш механизмнинг мукаммал эмаслиги, уларнинг фаолиятига замонавий меъморий ечимлар, инновацион ишланмаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги.

Ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг янги механизмларини ва сифат стандартларини жорий этиш, жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, умумтаълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш орқали халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйдагилар халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш;

ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) мувофиқлаштирувчи роли ва масъулиятини кучайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мазкур йўналишдаги вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш;

раҳбар ва педагог ходимларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш йўли билан халқ таълими тизимида кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш; халқ таълими муассасаларини бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шаффоф ва самарали жамоатчилик назоратига эришиш, шу жумладан, барча муассасаларнинг телекоммуникация тармоқларига уланшини таъминлаш, барча фойдаланиши мумкин бўлган маълумотлар манбасини яратиш, уларнинг фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизимини жорий этиш;

халқ таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни ва ижтимоий муҳофаза қилишни яхшилаш, уларнинг самарали ишлаши учун муносиб шaroитларни яратиш;

зарур ташкилий-ҳуқуқий ва техник-иқтисодий шaroитларни яратиш йўли билан умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим соҳасида нодавлат хизматларни кўрсатишга оид фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда — нодавлат умумтаълим ташкилотлари) тармоғини янада ривожлантириш, ушбу соҳага давлат-хусусий шерикликнинг турли шаклларини самарали жорий этиш;

халқ таълими тизимига илғор хорижий тажрибани, ўқв-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияларни, шу жумладан, таълим беришнинг инновацион усулларини жорий этиш, ўқув ва ўқув-услубий адабиётларнинг янги авлодини яратиш, фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари умумий ўрта таълимни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарлари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, шунингдек, Вазирликка идоравий мансуб бошқа ташкилотлар ва муассасалар бошлиқларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишилмасдан

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан амалга оширилади;

муваффақиятли фаолият юритаётган мактаблар негизида тармоқли мактабларни ташкил этиш, ушбу тармоққа юкламаси паст коэффицентли мактабларни киритиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири томонидан қабул қилинади;

2019 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси) туманлар ва шаҳарлар кесимида танлаш асосида умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича рейтинги (кейинги ўринларда — рейтинг) тузилади;

рейтинг яқунлари оммавий ахборот воситаларида ва Давлат инспекциясининг веб-сайтида кейинги ўқув йили бошланишидан кечиктирмай жойлаштирилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим муассасалари ходимлари бўлган пенсионерларга, уларнинг ушбу муассасалардаги фаолияти асосий иш жойи ҳисобланган тақдирда, пенсия тўлиқ миқдорда тўланади;

2019 йил 1 мартдан бошлаб давлат умумтаълим муассасаларига болаларни Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш тартиби босқимча-босқич жорий этилади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда туманлар ва шаҳарлар кесимида болаларни умумий ўрта таълим мактабларига қабул қилиш Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириладиган умумий ўрта таълим муассасалари рўйхатини шакллантирсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари халқ таълими муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида ҳар томонлама кўмаклашиш, хусусан:

тегишли ҳудудда умумтаълим муассасаларига ёрдам кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шу жумладан, ўқитувчилар ва ушбу соҳа ходимларининг макомини яхшилашга ва оширишга ёрдам бериш;

халқ таълими муассасаларига кўмаклашиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисobotларини белгиланган тартибда эшитиш;

нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бериш учун бўш ер участкалари (ҳар бир ҳудудда йилига 50 лотдан кам бўлмаган) рўйхатини тасдиқлаш ва улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини “E-IJO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида реализация қилиш;

халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўллар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича бюрoтмачи функциясини амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шaroитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлүксиз таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;

умумтаълим муассасаларининг хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, ҳудудлар атрофини ўраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бириктириш, видеокузатув камералари, ёнгинга қарши сигнализация тизимларини, кириш йўлларида қоидабузарликларни қайд этувчи қурилмаларни ўрнатиш чора-тадбирларини қуриш;

халқ таълими муассасалари ҳудудининг ва кўмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

халқ таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш бўйича бошқа чоралар қўрилишини ташкил этиш учун шахсан жавоб беради.

4. Вазирлиكنинг:

2018 йил 1 октябрдан бошлаб умумтаълим муассасаларининг васийлик кенгашларини тугатиш;

таркибига муассаса фаолиятига жиддий ҳисса қўшишга қодир энг фаол ота-оналар, битирувчилар, ҳомийлар ва

бошқа шахслар киритиладиган, юридик шахс мақомисиз умумтаълим муассасаларининг кузатув кенгашларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Куйдагилар умумтаълим муассасаси кузатув кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Вазирлик томонидан тавсия этилган номзодлардан умумтаълим муассасаси раҳбарини сайлаш, шунингдек, белгиланган тартибда уни эғаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида тақлифлар киритиш;

умумтаълим муассасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг муассаса фаолиятини такомиллаштириш, молиявий-ҳўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисobotларини вақти-вақти билан тинглаш;

умумтаълим муассасаси раҳбарининг тақдимномаси бўйича йиллик молиявий режаларни, кўрсатилаётган пуллик хизматлар нарҳининг миқдорларини ва муассаса мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи миқдорини, шу жумладан, аукциондаги бошлангич нарҳни қўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

ўқувчилар учун яратилган шaroитлар устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш;

ўқувчилар ва улар ота-оналарининг муурожаатларини қўриб чиқиш, умумтаълим муассасасининг педагог ва раҳбар ходимлари фаолияти тўғрисида ижтимоий сўровларни ўтказиш;

таълим муассасасининг фаолиятини ташкил этишга тааллуқли бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим муассасасининг кузатув кенгаши тўғрисидаги низоми ва унинг намунавий таркибини тасдиқласин.

5. Давлат инспекцияси Вазирлик билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда:

тегишли фанни ўқитиш бўйича билим ва кўникма даражасини — педагоглар малакасини аниқлашнинг асосий мезони сифатида белгилаб, умумтаълим муассасаларининг педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини қайта қўриб чиқсин;

педагогик маҳорат ва билим даражасини доимий ошириб боришга кўмаклашувчи илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, халқ таълими тизими ходимларининг билим даражасига оид малака тоифалари ва талабаларини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлар киритсин;

умумтаълим муассасалари рейтингини тузиш мақсадида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин;

ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда (PISA, TIMSS, PIRLS ва бошқалар) умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг иштирокини ташкил этсин.

6. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 2018 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин:

халқ таълими муассасаларининг кўмас мулкни ижарага беришдан тушган маблагнинг 1 фоизи Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузуридаги давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса электрон савдо майдончаси операторига тўланган тўлов чегирилгандан кейин — халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилади;

умумтаълим муассасаси раҳбарига халқ таълими муассасаларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини эркин тасарруф этиш, шу жумладан, жамғара даромадларининг хами суммасидан 10 фоизини ўз моддий рағбатлантириши учун йўналтириш ҳуқуқини тақдим қилган ҳолда халқ таълими муассасалари учун жамғарма маблағларидан устувор равишда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда халқ таълими муассасаларини ривожлантиришнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Давлат инспекцияси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой

муддатда умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли органларнинг қатъий рўйхатини, текширув тайинлаш ва ўтказиш мезонлари ҳамда ҳуқуқий асосларини назарда тутган ҳолда текшириш тартибини белгилайдиган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда умумтаълим муассасалари фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текшириш даврийлиги уларнинг рейтингда эғаллаб турган ўрнига боғлиқ бўлиши белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўллаган ҳолда умумтаълим муассасалари фаолиятини ноқонуний текширишга йўл қўймаслик устидан назоратни кучайтирсин.

Назорат қилувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик ишларига ҳар томонлама кўмаклашсин.

9. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилга қадар умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълими тизимли, минтақавий ва мақсадли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни ўз ичига олган Халқ таълими тизимини ривохлантиришнинг узоқ муддатли концепциясини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси билан биргаликда етакчи лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда, умумтаълим муассасаларини қуришнинг халқаро тажрибасини ўргансин ва 2019 йил 1 январга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий мактаб” Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳасини киритсин;

экологик жиҳатдан тоза материаллар ва энергиянинг муқоиб манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар асосида замонавий мактаблар қуриш;

мактабларни, шу жумладан, ўқув синфлари ичини янги қулай мебеллар, замонавий ўқув ва лаборатория усуналари, дарсқилкар ва ўқув-услубий материаллар, компьютер ва мультимедиа техникаси, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш;

в) уч ой муддатда ўқув режалари ва дастурларини оптималлаштириш, инновацион, шу жумладан, масофавий педагогик усуллардан кенг фойдаланиш, ушбу жараённинг самарадорлигини бутунлай оширишни назарда тутган ҳолда умумтаълим муассасаларининг раҳбар ва педагогик ходимлари малакасини ошириш тартиби ва тизимини тубдан қайта қўриб чиқсин.

10. Давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Вазирлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таълим сифатини таъминлашда Давлат инспекциясининг ролини кучайтириш, унинг ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоясини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

11. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Нисомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

|                                           |                    |
|-------------------------------------------|--------------------|
| <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти</b> | <b>Ш. МИРЗИЁЕВ</b> |
| Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 сентябрь        |                    |

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг илгарги хусусийлаштирилган объектлари ҳўжалик фаолиятига жадал жалб этиш бўйича амалдаги механизмни мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари ва эғаллаган майдон ҳажмидан қатъи назар, барча тоифадаги қурилиш тугалланмаган объектлар, бўш турган бинолар, нотуран ишоотлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига (кейинги ўринларда фойдаланилмаётган объектлар деб юритилади) нисбатан татиқ этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

2. Куйдагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаетган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги идораларо комиссиялар (кейинги ўринларда идоралараро комиссиялар деб юритилади) 1-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар)да фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш бўйича намунавий таркибдаги ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тузилсин.

Идоралараро комиссиялар раҳбарлари этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, ишчи гуруҳлар раҳбарлари этиб тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари белгилансин.

3. Идоралараро комиссияларга қуйидагилар амалга оширилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклатилсин:

доимий мониторинг натижаларига кўра, тегишли ҳудуддаги фойдаланилмаётган объектларни аниқлаш ва уларнинг рўйхатларини шакллантириш;

фойдаланилмаетган объектлар фаолиятини тиклаш, ишлаб

чиқаришни ташкил этиш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича “йўл хариталари” ва инвестиция лойиҳаларини мулкдорлар билан бирга ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни тасдиқлаш;

фойдаланилмаетган объектлар фаолиятини тиклаш бўйича тақлифларни тақдим этмаган ёки тасдиқланган “йўл хариталари” ижросини таъминламаётган мулкдорларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш ҳақида ҳулосалар чиқариш;

давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва ишчи гуруҳлар раҳбарларининг ҳисobotларини мунтазам равишда эшитиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар ва тижорат банклари кредитларини олишда кўмаклашиш.

4. 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат мулкчи бўлган фойдаланилмаетган объектлар ўрнатилган тартибда сотилади, давлат-хусусий шериклик асосида, шу жумладан, ижарага берилади;

б) фойдаланилмаетган объектлар мулкдорлари — юридик шахсларга қуйидаги таъсир чоралари қўланилади:

соддалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказиш;

мол-мулк ва ер солиқларини икки карра миқдорда тўлаш, 6 ой ўтгандан сўнг — беш карра, 12 ой ўтгандан сўнг ва кейинчалик — ўрнатилган ставкага нисбатан ўн карра миқдорда тўлашга ўтказиш;

қонунчиликка мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар амал қилишини тўхтатиш.

5. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 4-банди “б” кичик бандида кўрсатилган таъсир чоралари идоралараро комиссия хулосасига асосан,

мулкдорнинг идоралараро комиссия хулосаси билан танишганидан кейинги ойдан бошлаб қўланади;

идоралараро комиссиянинг таъсир чораларини қўллаш ҳақидаги хулосасини чиқариш учун мулкдор томонидан фойдаланилмаётган объектдан самарали фойдаланиш бўйича тақлифлар тақдим этилмаганилиги ёки фойдаланилмаетган объектдан самарали фойдаланиш бўйича тасдиқланган “йўл харитаси”нинг бажарилмаслиги асос бўлади;

идоралараро комиссия қарори комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бунда идоралараро комиссия йиғилишида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт;

фойдаланилмаётган объектларнинг мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳудудий органларининг тегишли сўровномаси келиб тушганидан кейин икки ой муддатда фойдаланилмаетган объектдан самарали фойдаланиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш объектини барпо этиш, объектни аниқ ижарачиларга тақдим этиш, муайян инвесторлар (шериклар)ни жалб этиш бўйича чораларни, шунингдек, фойдаланилмаётган объект фаолиятини тиклашнинг аниқ муддатлари ва молиялаштириш манбаларини наз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЙДОНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА  
ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

9. Куйидагиларга:  
идоралараро комиссиялар раҳбарларига — ўз фаолиятида ҳолислик ва очиқлик принципларига амал қилиб, фойдаланилмаётган объектларни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, комиссияга юклатилган вазифа ва функцияларнинг сўзсиз ва сифатли баҳарилиши учун;  
туманлар (шаҳарлар) секторлари раҳбарларига — фойдаланилмаётган объектлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш, шунингдек, уларда юзага келадиган муаммолари масалаларни ҳал этиш учун;  
Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига — идоралараро комиссияларнинг ишчи органи функцияларини баҳариш учун;

Ўзбекистон — Миср  
бизнес форуми

Жорий йилнинг август ойида юртимиз вакиллари ушбу мамлакатда савдо, инвестиция, саноат соҳасида икки томонлама алоқаларнинг истиқболларини муҳокама қилиб, 80 дан ортиқ учрашув ва музокаралар ўтказишган эди. Сафар асносида Наманган ҳамда Исқандария вилоятлари ўртасида ташқи савдо, инвестиция, маданий-гуманитар, илмий-техник ва сайёҳлик борасида келишувга эришилди.  
Мулоқотлар яқунларига кўра, Мисрнинг Қоҳира ва Исқандария шаҳарларида “Савдо уй”лари ва доимий фаолият юритадиган кўرғазмалар залини ташкил этиш ишлари тасдиқланганди.  
Мамлакатимизда ўтказилган бизнес форуми ва кооперация биржаси ана шу ҳамкорликнинг мантйқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Чунки унда ўзаро алоқаларни кенгайтириш бўйича истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди. Махсуслотларни етказиб бериш борасида “Б2В” шаклидаги учрашувлар ташкил қилинди.  
Инвестиция, савдо, туризм, фармацевтика, электротехника йўналишида келишувларга эришилди.  
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Шу билан бирга, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари, Қашқадарё вилоятининг Косон, Муборак, Нишон, Қасби туманлари, Сурхондарё вилоятининг Қизилқир ва Мўработ туманларида (пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолият юритаётган ҳудудлардан ташқари) теримчиларни пахта йиғим-теримига қўшимча равишда

ЯНГИ ТИЗИМНИНГ  
АФЗАЛЛИГИ

жалб қилиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан кўлда терилган бир килограмм пахта учун теримчига қўшимча 150 сўм устама ҳамда озиқ-овқат махсуслотлари учун 150 сўм, жами 300 сўм миқдоридан нақд пулда қўшим устама ҳақ тўланади. Бу йил пахта терими учун тўланган пулдан солиқ олинмайди. Теримчи тўлиқ меҳнат ҳақини олади. Терим пуллари ҳар беш кунда, зарур бўлганда ҳар кун берилиши таъминланади.  
Бу йил пахта йиғим-терими учун 26 мингдан зиёд терим отрядлари тузилди, 2 миллиондан ортиқ теримчилар жалб қилиниши қайд этилди. Хоҳлаган одам ихтиёрий равишда меҳнат ташлига чиқиб, пахта йиғим-теримида қатнашиши мумкин. Бунда у маълум терим отрядига бириктирилади, меҳнат шартномаси тузилади ҳамда тўлиқ меҳнат ҳақини олиш имкониятига эга бўлади.  
Давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдордан ортиқча топширган фермер хўжаликларига

пахта хом ашёси харид нархларига 15 фоиз миқдоридан устама тўланади.  
Қайд этилдики, 18 ёшга тўлмаган ёшлар, умумтаълим мактаблари ёки бошқа таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари, тиббиёт ходимларини пахта йиғим-теримига жалб қилиш қатъиян тақиқланади. Шунингдек, аҳолини мажбурлан пахта теримига олиб чиқишга йўл қўйилмайди. Бу

ҳол кузатилган тақдирда тегишли жазо чоралари қўлланилади. Теримчиларни тушлик, ичимлик суви билан таъминлаш, пахта майдонига олиб бориш ва олиб келиш фермер хўжалиги томонидан амалга оширилади.  
Пахта йиғим-терими мавсумида Вазирлар Маҳкамасидан вакиллар бириктирилиб, маълум ҳудудларга юборилади. Ушбу вакил у ердаги меҳнат шартлоларини назорат қилади, методик тушунча ва маслаҳатлар беради, қўйилган вазифаларнинг вақтида ва шароф баҳарилишини ўрганади. Прокуратурадан бириктирилган ходимлар мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, фермер ва теримчиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ишларни амалга оширади.  
Бош вазир ушбу ишларни тизимли ва уюшқоқлик билан амалга ошириш, одамларнинг онги ва ёндашувини ўзгартириш, тартиб бузилиши ҳолатларида зудлик билан ахборот беришда оммавий ахборот воситалари ҳақиқий ёрдамчи бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎзА мухбири.

давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда фойдаланилмаётган объектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантиришни ва электрон тарзда маълумот алмашишни, шунингдек, уларнинг мулкдорларига нисбатан таъсир чоралари қўлланишини таъминласин.  
12. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишчи гуруҳларнинг тегишли мувожаатидан сўнг бир ой давомида фойдаланилмаётган объектлар бўйича кадастр ҳужжатларининг расмийлаштирилишини таъминласин.  
13. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур қарор мазмун-моҳияти кенг ёритилишини ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар чоракда мазкур қарор ижроси бўйича кўрилатган чоралар натижалари ва самарадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритсин.  
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.  
16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 4 сентябрь

Норма ижодкорлиги фаолиятида  
Германия амалиёти ва тажрибаси

Жорий йилнинг 3-4 сентябрь кунлари пойтахтимизда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида норма ижодкорлиги соҳасида Германия тажрибасини ўрганишга бағишланган халқаро семинар ташкил этилди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Тадбирда депутатлар, сенаторлар, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия аъзолари, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ходимлари, Фридрих Эберт номидаги жамғарма вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.  
Маълумки, Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Фармонида қонунчилик базасини тизимлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёналари сифатини ошириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норма ижодкорлигида “ақли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш каби муҳим йўналишлар белгилан берилган. Ушбу масалаларда юксак таъриқий этган хорижий давлатларнинг

қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини чуқур ўрганишга алоҳида аҳамият қаратилган.  
Мазкур халқаро семинар Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ҳаётга татбиқ этишда Германия тажрибасини ўрганиш, унинг самарали ютуқларидан фойдаланиш бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида ўтказилди.  
Бинобарин, Германия парламенти — Бундестаг дунёнинг ўзига хос қонунчилик мактабига эга бўлган, “ақли тартибга солиш” модели ҳамда тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар тайёрлаш ва энг муҳими, уларни самарали татбиқ этиш борасида катта тажрибага эга етакчи парламентларидан бири ҳисобланади. Бундестагда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича юридик техника соҳасида ҳам катта тажриба тўпланган.  
Семинарда норма ижодкорлиги бўйича Германия амалиёти, қонун

ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишда Бундестаг Илмий хизматининг ўрни ва роли, парламент учун ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаш услублари, парламент девонининг асосий вазифалари каби мавзуларда иштирокчиларга кенг маълумотлар берилди.  
— Ўзбекистонда сўнгги йилларда олиб борилаётган ислохотлар қўламини амалга оширишда, жумладан, Германияда катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди Германия Федератив Республикаси Бундестаги Илмий хизмати раҳбари Гвидо Хайнен. — Айниқса, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясининг қабул қилиниши янгиланишлар жараёнига ижобий таъсир қўраётганига ишончим комил. Чунки ислохотларни тартибга солишда норма ижодкорлиги махсули бўлиши ҳуқуқий ҳужжатлар тамал тоши вазифасини ўтайди. Германия тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сифатли ва халқчил қонунлар мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди.  
Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида замонавий ва инновацион усуллардан фойдаланиш бўйича хорижий тажриба ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.  
Зиёда АШУРОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўҳна Кешдан таралар  
қадим наволар

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”-ги қарорлари бу соҳа тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Уларда мақом санъатини янада ривожлантириш ва унинг бутун дунё бўйлаб тан олиншига имкон яратиш борасида муҳим вазифалар белгилан берилган.  
Ушбу тадбир илк бор ўтказилаётгани боис унга қизиқиш жуда катта. Халқаро миқёсда уюштирилаётган тўғри йил 80 га яқин мамлакатлардан иштирокчилар ташриф буюришди. Улар билан суҳбатлашар эканмиз, юртимиздаги тарихий обидалар, муомтоз санъатимиз, қуй ва наволаримизни чет элларда ҳам яхши билишларига яна бир қарра амин бўлдик.



Тадбирнинг юксак савияда ўтиши учун қизғин ҳозирлик қўрилди. Жумладан, унинг очилиш маросимидан юртдошларимиз катта концерт дастуридан баҳраманд бўлишди. Барча ҳудудлардаги мақом санъати бўйича мухтаассис ва мутасаддилар раҳбарлигида юзлаб мақом ижрочилари, анъанавий мақом ижрочилиги ансамбллари, лапар ҳамда ўлан айтувчи фольклор гуруҳлари Оксфорд майдонида миллий урфодат, анъана ва қадриятларимизни акс эттиришди.  
Президентимиз қарорига асосан, ушбу анжуман доирасида Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Шаҳрисабз филиали ташкил этилди. Кўҳна Кешга келган меҳмонлар шахар Маданият саройида ташкил этилган мақом санъати музейида мақом тарихи ҳақидаги анимация кўргазма воситалари орқали ўзларини қизиқтирган барча маълумотга эга бўлмоқдалар.  
Мақом мусиқа ижодиётининг бошқа турларидан бадий муҳаммаллиги, қуй ҳамда шакл тузилишлари, лад ва усул тизимлари ҳамда

Янги ўқув йили

Энг улўғ, энг азиз айём — Ўзбекистон Республикаси давлат маътақиллигининг 27 йиллигига бағишланган шодиёналар шукуҳи давом этаётган айти кунларда мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида янги 2018/2019 ўқув йили бошланди.

Шу муносабат билан бу йилги тадбирлар кўтаринки кайфиятда ўтказилгани эътиборга молик. Айниқса, умумий ўрта таълим тизимида меҳнат қилаётган минглаб ўқитувчилар учун жорий йил унутилмас воқеаларга бой бўлди. Президентимиз

жавобгар бўладилар. Бундай ғамхўрлик биз, ота-оналарни ҳам беҳад хурсанд қилди. Негаки, болаларимиз мактабда яхши сабоқ олса, келажаги ҳам порлоқ бўлади.  
15 август кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Таълим сифати  
тубдан ўзгармоқда

ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли соҳадаги олиб борилаётган ислохотлар ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда иштиёқини қучайтиришга, ўқитувчилик касбининг обрўсини тиклаш ва оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августдаги “Ешларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори бу борадаги амалий ишларда кенг имкониятларни очмоқда.  
Мазкур ҳужжат педагог ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва нуфузини юксалтириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, қатъий ҳаётий позицияга эга, фидойи ҳамда ватанпарвар ёшларни тарбиялашга оид ишларни давр руҳига мос тарзда такомиллаштиришга қаратилган.  
Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда 645 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар мактабларнинг биринчи синфига қадам қўйди. Уларга барча ўзғув ашёси ҳамда китобларини ўзида жамлаган Президент совғаси топширилди.  
— Фарзандим Абдулазиз биринчи синфга чиқди, — дейди пойтахтимизнинг Юнусовдо туманида истиқомат қилувчи Азиза Тўрбובה. — Мактабдаги тантананида қатнашиб, жуда хурсанд бўлдим. Ўқитувчиларнинг шодлиги ичига сиғмайди. Сабаби Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли муаллимларнинг қадри юксалмоқда, уларни дарсдан ташқари ишларга жалб этишга бутунлай барҳам берилди. Энди педагоглар фақат ўқитиш сифатига

дан бошлаб эса мажбурийлиги белгиланган.  
Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига мактаб формасининг белгиланган стандартларга, санитария қоидалари нормалари

ҳамда гигиена нормативларига мувофиқ ишлаб чиқарилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилди.  
Барча таълим максанларида илк сабоқ “Азиз ва яғонамсан, жонажон Ўзбекистони!” шиори остида ўтказилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланаётган халқ таълими соҳасида куйидаги натижаларга эришилди:**

**Халқ таълими тизимини яхшилаш учун хорижий экспертлар жалб қилинди;**

**Ўқитувчиларнинг иш ҳақлари оширилди;**

**Психологлар сони ва моддий рағбатлантириш ҳажми кўпайтирилди;**

**Корея Республикаси Таълим вазирлиги билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди;**

**Жаҳон банки ва турли соҳалар бўйича фаолият кўрсатадиган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди;**

**«Обод қишлоқ» («Обод маҳалла») ҳамда Инвестиция дастурлари бўйича мактаблар қурилиши ва таъмирини мониторинг қилиш тизими яратилди;**

**Қобилиятли ўқувчиларни алақлаш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида шу йил Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан илк бор «Менинг инновацион гоём» кўрик-танлови ўтказилди.**

**Янги ўқув йилининг бошланиши арафасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларини асосий ўқув қуроллари билан таъминлаш ва ота-оналар учун қўлайликлар яратиш мақсадида, жорий йилнинг 10 августидан 10 сентябригача республика бўйлаб жами 1325 мактаб ярмаркаси ташкил этилди.**

Президент ташрифидан сўнг...

# Эътибордан четда қолиб кетган соҳа

## саноатнинг сердаромад ва истиқболли тармоғига айланмоқда



**Давлатимиз раҳбари ўтган йили пойтахтимизнинг Олмазор туманида бўлганида, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси негизда болалар учун турли ўйинчоқлар, кийим-кечак ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳақида топшириқ берган эди. Президентимиз яқинда мазкур корхонада бўлиб, вазифаларнинг ижроси билан танишди.**

Сир эмас, юртимизда ўйинчоқ саноати узок йиллар давомида эътибордан четда қолиб, эндиликда қайта тикланмоқда. Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ўз вақтида нафақат собиқ иттифоқ ҳудудидида, балки ундан ташқарида ҳам шухрат қозонган. Бу ерда миллий услубдаги, замонавий тил билан айтсак, экологик тоза ўйинчоқлар ишлаб чиқарилган. Уларни ҳамма, айниқса, хорижий сайёҳлар бажонидил

лик қийин бўлганини яхши эслашади. Секин-аста бозор ва дўконларнинг пештахталарида кўриниши чиройли ва бирмунча арзон нархдаги импорт махсулот пайдо бўлди. Улар, асосан, Хитойдан олиб келинади. Аммо текширувлар натижасига кўра, мазкур ўйинчоқларнинг контрабанда йўли билан келтирилган анчагина қисми азиз жигарбандларимиз саломатлигига зиён етказиши маълум бўлди. Қандайдир ёқимсиз ҳиднинг ўзиёқ уларга сифати паст ва зарарли хом ашё, бўёқ ҳамда бошқа турли қўшимчалар ишлатилишидан дарак беради.

Асосийси, уларнинг аксарият қисми маҳаллий хом ашёдан тайёрланади.

Президентимиз ташландиқ аҳволга келиб қолган Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан берган топшириқлари фарзандларимиз учун кенг ассортиментдаги махсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта омил бўлди. Бу йўналишдаги ишлар суръати ортиб, кўлами ҳам кенгайди. Уларнинг ташкилотчиларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият миллий банки хузурида тuzилган "NBU Investment" масъулият чекланган жамияти бўлиб, зарар қўриб ишлаётган ёки умуман ишламаётган корхоналарни қайта тиклаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта



Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ҳудудидagi объектлар аввал шу ҳолатда эди...



Бугун эса мана шундай кўриниш касб этган...

сотиб олишган. Афсуски, қачондир жуда оммабоп бўлган Тўлғаной кўйи-чоғини энди фақат коллекцияга қизиқувчи инсонлардагина учратиш мумкин. Бундан ташқари, Гўзал ва Барно "исмли" кўйи-чоқлар ҳам муҳлисининг кўпчилиги жиҳатидан ҳозирги "Барби"-лардан сира қилишмасди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида фабрика фаолияти сусая борди. Хусусийлаштириш жараёни самара бермагани сабабли ўйинчоқ саноати бутунлай тўхтаб ҳам қолди. Оқибатда тўпланган тажриба ва етук мутахассислардан ажрадик.

Кўпчилик ота-оналар яқин ўтмишда ўз фарзандлари учун сифатли ва арзон ўйинчоқларни харид қилиш қанча-

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши билан ўйинчоқ индустрияси ҳам чинакамига қайта тикланмоқда.

Хар йили болалар учун товар ишлаб чиқарувчи янги-янги корхоналар очила бошланди. Натижада ички бозорда ўзимизнинг махсулотлар тобора кўпаймоқда. Чақалоқларга мўлжалланган оддий шикилдоқлардан тортиб, кубик-рубиклар, машиналар, ҳатто мураккаб конструкторлик йиғмаларигача турли ёшдаги болаларга манзур бўляпти.

## «Ҳавас қилса арзигулик уйимиз бор»

Янгиер шахрида ижтимоий ҳимояга муҳтож 20 нафар хотин-қизга арзонлаштирилган уйлар топширилди. Уларнинг 14 нафарига бошланғич тўловлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, 6 нафарига эса "Ховосдон" корхонаси ҳамда "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамиятининг вилоятдаги ташкилотлари томонидан тўлаб берилди.

— Уйли бўлиш орзумиз эди,— дейди Буврайхон Абдзозова. — Мана, энди ҳавас қилса арзигулик уч хонали тураржойга эга бўлдик.

Гулсара Ашурбоева ҳам уч нафар фарзанди ва ногиронлиги бор турмуш ўртоғи билан ижарада яшаб, кўп

қийинчиликларни бошдан ўтказган. Ўтган йили оилавий аҳолини ўрганган ишчи гуруҳ унинг қасаначилиги билан шуғулланиши учун шароит яратиб берди. Шунингдек, имтиёзли равишда уй олувчилар рўйхатига киритган эди. Айни пайтда

унинг оиласида ҳам хурсандчилик.

Тадбирда Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ногиронлиги бўлган фуқароларга ногиронлик аравачалари, таянч-ҳаракат воситаси ва эшитиш мосламалари тақдим этилди.

Ахмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ кўйидаги махсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

### ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 63 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 42 600 сўм/п.м.  
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Кўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.



## Халқ сўзи

### Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

**000 «Butlash Garant Servis»**  
предлагает бетономешалки российского производства

**1. Бетоносмеситель гравитационный MC-200**

**Технические характеристики:**  
MC-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

**2. Бетоносмеситель гравитационный СБР-500А.1**

**Технические характеристики:**  
СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

**Форма оплаты — перечисление.**

**000 «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.**

Адрес: г. Ташкент, Сергеевский р-н, ул. Олтин водий, 29А.  
Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**  
Беларусь Республикаси

**Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан тақлиф этади.**

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.  
www.maz.by  
E-mail: maztashkent@mail.ru

Тахриратта келган кўлаёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жаобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-йй.  
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Набатчи — О. Файзиев.  
Мусаххих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топширилди — 01.35 1 2 3 4 5 6